

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎРТА МАХСУС, КАСБ - ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ**

**Э С Т Е Т И К А**  
(40 соат)

**фанидан**

**академик лицей ва касб- ҳунар коллежлари учун  
ўқув дастури**

**Тошкент-2010**

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услугий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил 9 октябрдаги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396 -сонли буйруғи билан тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.

#### **Тузувчилар:**

Абдулла Шер - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ЎзМУ доценти

|                  |                                    |
|------------------|------------------------------------|
| У.С.Хўжаниёзов – | педагогика фанлари номзоди, доцент |
|------------------|------------------------------------|

#### **Такризчилар:**

Умаров Э. - фалсафа фанлари доктори, проф.

А Қурбонмамадов. - фалсафа фанлари доктори, проф.

М Маҳмудов. - филология фанлари номзоди, доцент,

Б.Хусанов - фалсафа фанлари номзоди, катта ўқитувчи

#### **Нашрга тайёрлади:**

Н. Чиникулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Мазкур дастур ўз олдига ўрта махсус таълим тизимида «Эстетика» курсини замонавий талаблар асосида ўқитилишини таъминлашга қаратилган. У академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун мўжалланган бўлиб, ўқувчиларга эстетика тарихи ва назариясидан, санъат турлари, техника эстетикаси, табиат эстетикаси ва турмуш эстетикасидан етарли билим беришга ҳамда улар эстетик дидини юксалтиришга йўналтирилган.

Унда аввалгисидан фарқли ўлароқ, семинарлар ва амалий машғулотларга кенг ўрин берилган: Бу, шубҳасиз, ўқувчиларнинг ўз устида ишлашларини, амалий эстетика билан фаол шуғулланишларини таъминлайди. Дастурда таклиф этилган назорат турлари ўқувчилар жилдонидан фан мазмунининг бўлимлар бўйича нисбатан мукамал ўзлаштирилишини тақозо қилади, улар ўқув турларини иложи борида тўлиқ қамраб олиш имконини беради. Айни пайтда мазкур назорат турлари ўқувчининг ҳам оғзаки, ҳам ёзма нутқ маданияти ва маҳоратини юксалтиришни кўзда тутди. Шунингдек, дастур мазмунан «Эстетика» курсининг узвийлигини ҳамда бошқа фалсафий ва ижтимоий-гуманитар фанлар билан мувофиқлашувини таъминлашга қаратилган. Унда ўқувчилардаги энг янги адабиётлардан, асл манбалар ва муҳим хорижий нашрлардан фойдаланиш кўникмасининг такомиллашувига алоҳида эътибор берилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, мазкур дастур қатъий қонун мақомидаги ҳужжат эмас, у намунавийлик табиатига эга. Шу боис ҳар бир маърузачи муайян академик лицей ва касб-хунар коллежи йўналишидан келиб чиқиб, дастурдаги мавзуларнинг баъзиларига муфассалроқ, бошқаларига умумийроқ тарзда ёндашишлари ва бундай ёндашувларни ўз ишчи дастурларида акс этиришлари мумкин.

Ўйлаймизки, мазкур дастур ҳам мутахассис-ўқитувчиларга, ҳам ўқувчиларга қўл келади.

### Эстетика курси мавзулари ва дарс соатлари тақсимооти

| №                                                                       | Боблар ва мавзулар                                    | Маъруза | Амалий машғулот | Семинар |
|-------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|---------|-----------------|---------|
| <b>Биринчи бўлим. Эстетикага кириш</b>                                  |                                                       |         |                 |         |
| 1-мавзу                                                                 | Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари | 2       |                 | 2       |
| <b>Иккинчи бўлим. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари</b> |                                                       |         |                 |         |
| 2-мавзу                                                                 | Қадимги дунё эстетикаси                               | 1       |                 | 1       |
| 3- мавзу                                                                | Ўрта асрлар мутафаккирларининг эстетик таълимотлари   | 1       |                 | 1       |
| 4- мавзу                                                                | Янги давр эстетикасидаги асосий оқимлар ва йўналишлар | 1       |                 | 1       |
| 5- мавзу                                                                | Туркистон маърифатчи-жадидларининг эстетик қарашлари  | 1       |                 | 1       |
| <b>Учинчи бўлим. Эстетика назарияси</b>                                 |                                                       |         |                 |         |
| 6-мавзу                                                                 | Эстетик онг ва эстетик фаолият                        | 2       |                 | 2       |

|                                        |                                 |    |   |    |
|----------------------------------------|---------------------------------|----|---|----|
| 7-мавзу                                | Эстетиканинг асосий тушунчалари | 2  |   | 2  |
| <b>Тўртинчи бўлим. Амалий эстетика</b> |                                 |    |   |    |
| 8-мавзу                                | Санъат эстетикаси               | 4  | 2 | 2  |
| 9-мавзу                                | Табиат эстетикаси               | 1  | 1 |    |
| 10-мавзу                               | Техника эстетикаси              | 1  | 2 |    |
| 11-мавзу                               | Турмуш эстетикаси               | 1  | 1 |    |
| 12-мавзу                               | Спорт эстетикаси                | 1  | 2 |    |
| 13-мавзу                               | Эстетик тарбия                  | 2  |   |    |
| <b>Жами:</b>                           |                                 | 20 | 8 | 12 |

## I. Сўз боши

### 1. Эстетика фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва аҳамияти

Эстетика фанини ўқитиш ҳамда ўрганишнинг **мақсади** эстетик тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққиётини, санъатдаги, турмушдаги, саноатдаги, табиатдаги нафосатнинг, гўзалликнинг инсон ҳаётида тутган ўрнини ўқувчиларга илмий нуктаи назардан тушунтиришга қаратилган;

Эстетика фанининг **вазифалари**:

- ўқувчиларда эстетик онг ва ижодий қобилиятнинг шаклланиши ҳамда ривожланишига кўмаклашишдан;
- миллий ва умумбашарий эстетик қадриятларнинг мамлакатимиз ижтимоий-маънавий ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатиб беришдан;
- ёш авлодда гўзалликка, улуғворликка нисбатан муҳаббат ҳиссини шакллантиришдан;
- ўқувчиларга ҳақиқий санъат асарларининг миллат ва жамият ҳаётидаги улкан маънавий ҳодиса эканини ўқитишдан, уларда санъатни чуқур тушуниш малакасини ҳосил қилишдан;
- техника эстетикаси ва унинг амалий кўриниши бўлмиш дизайннинг, табиат эстетикаси, турмуш эстетикаси ҳамда спорт эстетикасининг эркин, демократик жамият тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини ўқувчиларга англатишдан;
- эстетика фанини ўқитиш ва ўрганишда ижодийлик, илмийлик, тарихийлик ҳамда олимона ҳолислик тамойилларига амал қилишдан;
- маъруза ва семинар машғулотларда, ёшларни имкон борича кўпроқ манбаларга мурожаат қилишларига;
- амалий машғулотларда ўқувчиларнинг эстетик воқелик ва эстетик объектлар билан бевосита муносабатда бўлишларига эришишдан иборат.

Эстетика фанини ўқитишнинг **аҳамияти** ўқувчиларнинг шахс сифатида ҳам, фуқаролик жамияти аъзоси сифатида ҳам - ҳар жиҳатдан гўзаликка ошно, юксак дид эгаси қилиб тарбияланишга улкан хисса қўшиши билан белгиланади.

### I.2. Эстетика фани бўйича ўқувчиларнинг билимига, кўникмаси ва маҳоратига қўйиладиган талаблар

Давлат таълим стандартига мувофиқ эстетика фани бўйича билим, кўника ва малакага қўйиладиган талабларга биноан **ўқувчилар**:

- Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг миллий ва умумбашарий маънавий меросга муносабат ҳамда эстетик қадриятлар борасида

билдирган фикр-мулоҳазаларини, «Дунёни эзгулик ва гўзаллик кутқаради» деган тамойилини эстетика фанини ўрганишда дастуриамал деб билишлари;

- ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, замонавий комил инсон шахсини шакллантиришда эстетиканинг муҳим омил эканини англаб етадиган даражада назарий билим ва амалий кўникмага эга бўлишлари;

- ватан ва жаҳон санъати тарихи, замонавий санъатнинг энг муҳим йўналишларидан хабардор бўлишлари, гўзалликка нисбатан фидойиларча муносабат қилишга ўрганишлари;

- мустақиллик моҳиятини англашлари, мустақиллик бахш этган эркин тафаккур қилиш имконияти - санъат ва эстетика тараққиётининг зарур шарти эканини билишлари керак.

### **I.3. Курс дастуридаги бўлимлар рўйхати**

1. Эстетикага кириш.
2. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари.
3. Эстетика назарияси.
4. Амалий эстетика.

### **I.4. Амалий машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар миқдорига қўйиладиган талаблар**

Мазкур талабларга кўра **ўқувчилар:**

- муайян мавзуга мос (музей, театр, кинотеатр, цирк, концерт зали, меъморий ёдгорликлар мажмуи, саноат корхонаси, спорт иншооти, қишлоқ хўжалик машиналари парки, табиат кучоғи в.б.) эстетик объектларда олиб бориладиган амалий машғулотларда фаол қатнашишлари;

- ўқув дарсларида эгаллаган назарий билимларини эстетик воқелик ёки эстетик объект билан бевосита танишиш жараёнида мустаҳкамлашлари;

- машғулотлар жараёнида олган таассуротларини оғзаки ва ёзма тарзда эркин баён қилиш маҳоратига эга бўлишлари зарур.

### **I.5. Семинар машғулотлар бўйича бажариладиган ишлар миқдорига қўйиладиган талаблар**

Мазкур талабларга кўра **ўқувчилар:**

- семинар машғулотларида фаол иштирок қилишлари;

- машғулотларга тайёргарлик жараёнида манбалардан унумли фойдаланиш кўникмасига эга бўлишлари;

- берилган адабиётларни қисқача конспектлаштириш маҳоратини эгаллай билишлари;

- машғулотлар пайтида ўз билимларини оғзаки нутқ қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда, равон илмий тилда баён эта олишларига эришишлари керак.

## **I.6. Ўқувчилар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори**

Хар бир ўқувчи «Эстетика» курси мобайнида камида 10 марта назоратдан ўтиши мақсадга мувофиқ. Мазкур назоратлар миқдори қуйидагича:

1. Жорий назорат – 7 марта.
2. Оралиқ назорати – 2 марта (1 ёзма иш; 2 реферат ёки академик эссе шаклида).
3. Якуний назорат – 1 марта.

## **I.7. Эстетикани ўқитишда компьютер, информацион ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш**

Эстетикани ўқитишда аудио–видео, кино аппаратураларидан, қисқа метражли фильмлардан, интернет материалларидан; масофали таълимда дарсларнинг компьютер воситасида яратилган электрон версияларидан фойдаланиш мумкин.

## **I.8. Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажм**

«Эстетика» курсининг умумий ўқув ҳажми 40 соатни ташкил этади: 20 соат маъруза, 8 соат амалий машғулоти ва 12 соат семинар.

## **II. Фаннинг мазмуни**

### **Биринчи бўлим. Эстетикага кириш**

#### **1-мавзу. Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари**

Эстетика - нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фалсафий фан. Эстетика фани тадқиқот доирасининг миқёсийлиги ва кўпёқламалиги, унинг фалсафий моҳияти.

Эстетика – санъат, бадиий ижод, дизайн, турмуш гўзаллиги, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, хулқий гўзаллик ва эстетик тарбия борасидаги умумий қонуниятлар ҳамда эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) тизими сифатида.

Эстетиканинг бошқа замонавий фанлар билан алоқаси: эстетика ва фалсафа; эстетика ва ахлоқшунослик; эстетика ва руҳшунослик; эстетика ва миллий истиқлол ғояси; эстетика ва социология; эстетика ва диншунослик; эстетика ва педагогика, эстетика ва экология в.х.

Эркинлик, демократия ва фуқаролик жамиятини тараққий эттиришда эстетиканинг ўрни, унинг инсон эстетик маданиятни шакллантиришдаги роли ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини маънавий бойитишдаги амалий аҳамияти.

### **Иккинчи бўлим. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари**

#### **2–мавзу. Қадимги дунё эстетикаси**

Шарқ-қадимги дунё эстетикасининг бешиги. Сомир(Шумер) ва Бобилонда дастлабки эстетик ғояларнинг шаклланиши. Қадимги Мисрда вужудга келган санъат турларининг эстетик моҳияти. Қадимги Турон ва

Эрондаги эстетик ғоялар. «Авесто»нинг фалсафий -эстетик моҳияти. Ҳинди-Хитой минтақасидаги санъат тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари.

Антик дунёнинг мумтоз эстетикаси. Қадимги Юнонистон алломалари Сукрот ва Афлотуннинг эстетик қарашлари. Арастунинг эстетик таълимоти ва унинг қадимги дунё эстетик тафаккурида тутган ўрни. Қадимги Румо эстетикаси (Ҳораций Флакк, Тит, Лукреций Кар, Боэций).

Антик дунё эстетикасининг жаҳон нафосат илми тараққиётига таъсири.

### **3-мавзу. Ўрта асрлар мутафаккирларининг эстетик таълимотлари**

Умумжаҳоний динлар ва уларнинг санъат билан ўзаро ҳамкорлиги. Санъат турларининг шаклланиши ва тараққий этишида диннинг аҳамияти.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқи эстетикасида машшойийунлик ва табиийунлик йўналишларининг қарор топиши (Форобий, Ибн Сино, Беруний, Умар Хайём). Тасаввуф эстетикасининг вужудга келиши (Ғаззолий, Румий).

Ўрта асрлар буддха Шарқи эстетикасининг алоҳида хусусиятлари. Буддҳачилик, даочилик ва конфуцийчилик эстетик таълимот-ларининг Хитой санъатидаги ўрни. Ўрта асрлар Хитой эстетикасининг минтақавий аҳамияти.

Япон эстетикаси ва унинг асосий тушунчалари. Хэйян даври эстетикаси (IX-XII асрлар). Япон театр эстетикаси, чой таомили, тош боғлар, гулчилик санъати (икэбана) эстетикаси.

Темур ва темурийлар даври эстетикаси. Навоий, Жомий, Бобур, Ҳусайн Бойқаронинг эстетик қарашлари, тазкирачилик анъаналари ва тазкиранинг эстетика рисолаи сифатидаги аҳамияти (Абу Мансур ас-Саолибий, Абу Фаррож ал-Исфажоний, Давлатшоҳ Самарқандий, Зайниддин Восифий, Ҳасанхўжа Нисорий).

### **4-мавзу. Янги давр эстетикасидаги асосий оқимлар ва йўналишлар**

Оврўпа маърифатпарварлари эстетикаси (Бёрк, Юм, Дидро). XVIII аср охири ва XIX аср бошларидаги олмон мумтоз эстетикаси (Кант, Шиллер, Шеллинг Ҳегел).

Оврўпа эстетикасида нораціонал йўналишнинг қарор топиши (Кикегард, Шопэнхауэр, Нитцше). Марксча эстетика ҳамда синфийлик назариясининг санъат ва нафосат илми тараққиётига салбий таъсири. XIX аср охири ва XX аср бошларидаги рус мумтоз эстетикаси (Л.Толстой, Ф. Достоевский, В. Соловьёв, Н. Бердяев в.б.).

Энг янги давр эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари; фрейдчилик, экзистенциячилик, ҳаёт фалсафаси, янги кантчилик, фалсафий герменевтика ва бошқа йўналишлар эстетикаси (З. Фрейд, К.Юнг, Э.Фромм, К. Ясперс, Ж.П. Сартр, Й. Хуйзинга, Хосе Ортега-и-Гассет, О.Шпенглер, А.Бергсон, Х.Гадамер, Р. Тагор, Ж.Ҳалил, А.Райхоний, Д.Судзуки в.х.).

### **5-мавзу. Туркистон маърифатчи-жадидларининг эстетик қарашлари**

Туркистонда жадидчилик маърифий-ижтимоий ҳаракатининг вужудга келиши. Зиёлилар орасида маърифатчилик ва эстетик ғояларнинг оммалашуви. Жадидчиликнинг моҳиятан ахлоқий-эстетик оқим экани.

Фурқат ва Анбар отининг эстетик қарашлари. Бехбудий, Ҳамза ва Айнийнинг замонавий санъат турлари ва жанрларга мурожаат қилиши. Жадид

театрининг вужудга келиши. Фитрат ва Чўлпоннинг эстетик қарашлари - жадидчилик эстетикасининг юксак поғонаси сифатида.

### **Учинчи бўлим. Эстетика назарияси**

#### **6-мавзу. Эстетик онг ва эстетик фаолият**

Эстетик онг ва унинг индивидуаллик хусусияти. Эстетик онгнинг асосий унсурлари: эстетик эҳтиёж ва эстетик муносабат; эстетик туйғу ва эстетик дид; эстетик баҳо ва эстетик идеал; эстетик қарашлар ва эстетик назариялар. Шахс эстетик эҳтиёжини тарбиялаш муаммолари.

Эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури сифатида. Эстетик фаолиятнинг ижодийлик хусусияти, турли маънавий фаолиятларнинг эстетик ибтидога асосланиши, меҳнат, ўйин ва санъатнинг ўзаро муносабатлари, эстетик фаолиятнинг турларга бўлиниши, санъатнинг ўзига хос эстетик фаолият сифатидаги аҳамияти, ҳунар ва санъат, ҳунарнинг эстетик вазифалари, халқ ижоди ва профессионал ижодий фаолият.

Табиатнинг гўзаллик ва улуғворлик манбаи эканлиги, унинг эстетик фаолият объекти сифатида намоён бўлиши. Табиат эстетикасининг ўзига хос жиҳатлари. Эстетика ва экологиянинг ҳамкорлиги, бу ҳамкорликнинг долзарб муаммолари.

#### **7-мавзу. Эстетиканинг асосий тушунчалари**

Эстетик мезоний тушунчалар (категориялар) - эстетик билишнинг муҳим омили сифатида. Нафосат - эстетиканинг кенг қамровли муштарак мезоний тушунчаси.

Гўзаллик мезоний тушунчаси. Гўзаллик ҳақидаги тасаввурнинг ўзгарувчанлиги, гўзалликка сифатнинг таъсири, гўзаллик ва манфаат, гўзалликнинг санъатда намоён бўлиши, гўзаллик ва хунуклик.

Улуғворлик мезоний тушунчаси. Улуғворликнинг фавқулодда салбий ҳиссиётларга асосланиши. Улуғворликка сон ва миқёснинг таъсири, табиатдаги улуғворлик, улуғворликнинг санъатда намоён бўлиши, улуғворлик ва тубанлик.

Фожиавийлик мезоний тушунчаси. Фожиавий тўқнашув ва унинг асослари, фожиавийлик ва эстетик идеал, фожиавийликнинг санъатда намоён бўлиши, фожа(трагедия) - санъат жанри сифатида, фожиавий зиддият ва фожиавий қаҳрамон. Фориғланиш.

Кулгилилик мезоний тушунчаси. Кулгили ҳолат, кулги ва унинг инсон ҳаётидаги ўрни, ҳазил ҳисси, кулгилиликнинг санъатда намоён бўлиши ва унинг ифода шакллари (ҳажв, мutoйиба, киноя, кесатик, истехзо) Кулги (комедия) - санъат жанри сифатида. Кулгининг фориғлантириш хусусияти.

Эстетик мезоний тушунчаларнинг ўзаро алоқалари.

### **Тўртинчи бўлим. Амалий эстетика**

#### **8-мавзу. Санъат эстетикаси**

Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти. Санъатда ўйин назариясининг аҳамияти. Ўйин ва бадий ижод, эстетик кўриниш ва ўйин.

Санъатда ҳаётий ҳақиқат ва шартлилик, унда миллий руҳ ва умуминсоний

қадриятларнинг ўрни. Санъат ва ахлоқ, санъат ва дин, санъат ва фалсафа, санъат ва меҳнат, санъат ва сиёсат, санъат ва техника, санъат ва мафкура. Санъат психологияси. Санъат социологияси.

Санъат асарида бадиий образ. Санъатда типиклаштириш ва идеаллаштириш. Санъат асарида шакл ва мазмун. Санъатда мавзу ва ғоя, сюжет ва композиция, усул ва услубий шакллар.

Санъатнинг турларга бўлиниши. Турдош санъатлар ва жанрлар. Эстетика тарихида санъат турларини туркумлаш муаммоси. Санъат турлари: бадиий адабиёт, халқ амалий санъати, меъморлик, рассомлик, ҳайкалтарошлик, театр, мусиқа, бадиий сураткашлик, хаттотлик, эстрада ва цирк, кино, аския, қўшиқчилик ва рақс, нотиклик, қироат санъати (бадиий ўқиш).

Бадиий ижод эстетик фаолиятнинг бир тури сифатида. Бадиий қобилият, истеъдод ва даҳо. Истеъдод ва меҳнат. Санъаткор шахсининг фавқулоддалик хусусияти. Санъаткорнинг жамиятдаги ўрни: санъаткор ва замон; санъаткор ва тарих; санъаткор ва миллий ғоя; санъаткор ва мафкура; санъаткорнинг майлпарастлик ва мафкурачилик хусусияти.

Санъат асарини эстетик идрок этишнинг ижодийлик табиати. Идрок этувчининг «ҳаммуаллифлик», «иштирокчилик» роли. Эстетик идрок этишда эстетик масофа омилининг аҳамияти. Эстетик идрок этиш маданиятини раванг топтириш муаммолари.

### **9-мавзу. Табиат эстетикаси**

Табиатнинг эстетик хусусиятлари: унинг гўзаллик ва улуғворлик манбаи эканлиги; табиат эстетикасининг ўзига хос жиҳатлари; унинг нафосат олами ва эстетик фаолият объекти сифатида намоён бўлиши; табиат ва бадиий ижод; табиат ва ижодкор.

Атроф-муҳит ва унинг тузилмаси: табиий муҳит; ишлаб чиқариш муҳити; турмуш муҳити; атроф-муҳитни гўзаллаштиришнинг анъанавий ва янгича усуллари; унинг замонавий муаммолари. Эстетика ва экологиянинг ҳамкорлиги ва бу ҳамкорликнинг долзарблиги.

### **10-мавзу. Техника эстетикаси**

Илмий техник тараққиёт ва ишлаб чиқаришдаги эстетик фаолият. Дизайннинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти, техника эстетикаси - дизайн назарияси сифатида, техника эстетикасининг замонавий ишлаб чиқаришда фойдали ва эстетик жиҳатдан бойиб бориши. Халқ амалий санъати ва дизайн.

Техника эстетикасининг аҳамияти ва унинг замонавий эстетика фанида тутган ўрни.

### **11-мавзу. Турмуш эстетикаси.**

Замонавий эстетик маданият ва турмуш эстетикаси: турмуш эстетикасининг ўзига хос хусусиятлари; эстетик ўзни тутиш ёхуд ҳулкий гўзаллик муаммоси; нутқ маданияти ва инсон ташқи қиёфасини гўзаллаштиришнинг аҳамияти; шахсий ва оилавий муносабатлар гўзаллиги.

Гўзал турмуш тарзи тушунчасининг кўп қиррали эканлиги. Табиий муҳит, нарсалар дунёси ва ички дунё уйғунлиги. Анъанавий урф-одатлар эстетикаси ва замонавий эстетик эҳтиёж. Нур, ранг ва товуш эстетикаси. Эстетика ва мода.

### **12-мавзу. Спорт эстетикаси**

Спорт эстетикасининг моҳиятан инсон ҳаракати гўзаллиги ва улуғворлигини эстетик англаб етиш эканлиги. Спорт эстетикаси маънавий ва жисмоний комиллик уйғунлигининг инъикоси сифатида. Унинг спорт фанатизмини енгиб ўтиш воситаси тарзидаги аҳамияти;

Спорт ва ижод, унинг моҳиятан жилдоша санъати билан боғлиқлиги. Спортнинг «эстетик» турлари: фигурали учиш; бадий гимнастика; сувга сакраш; синхрон сузиш; от спорти в.б.

### **13– мавзу. Эстетик тарбия**

Шахс камолотида эстетик тарбиянинг аҳамияти. Эстетик тарбиянинг ҳозирги замондаги хилма-хил йўналишлари ва воситалари. Санъат-эстетик тарбиянинг асосий воситаси сифатида. Эстетик тарбия билан ижтимоий муносабатлар уйғунлиги муаммоси.

Эстетик равнақ ва унда бадий ҳаваскорлик ҳамда санъат тарғиботининг мавқеи. Халқ эстетик эҳтиёжи ва бадий дидини юксактиришнинг долзарблиги. Оммавий маданият ҳодисаси ва унинг ёшлар эстетик тарбиясига салбий таъсири.

## **III. 1. Семинар машғулотлари ва рефератлар мавзуларининг тахминий рўйхати**

### **Семинар машғулотлари мавзулари**

1. Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари.
2. Қадимги дунё эстетикаси.
3. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи эстетик тафаккури.
4. Янги давр эстетикасидаги асосий оқимлар ва йўналишлар.
5. Жаҳид мутафаккирларининг эстетик қарашлари.
6. Эстетик онг ва эстетик фаолият.
7. Эстетиканинг асосий тушунчалари.
8. Санъат турлари ва уларнинг ўзаро алоқадорлиги.
- 9.

### **Туркум рефератлар учун умумий мавзулар**

1. Эстетик тафаккур тараққиётининг асосий босқичлари (даврлар ва мутафаккирлар эстетик таълимотлари бўйича).
2. Санъатнинг эстетик моҳияти ва санъат турлари.
3. Дизайн ва унинг ХХI аср ҳаётидаги ўрни.
4. Табиат - гўзаллик ва улуғворлик манбаи.

## **III. 2. Семинар машғулотларининг намунавий таркиби**

### **1 – машғулот. Эстетиканинг предмети, тадқиқот доираси ва вазифалари**

#### **Режа**

1. Эстетика нафосатнинг моҳиятини ўрганувчи қадимий фалсафий фан сифатида.
2. Эстетиканинг бошқа замонавий фанлар билан ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги.
3. Эстетика фанининг асосий вазифалари.

#### **Адабиётлар**

1. И.А.Каримов Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.:, 1996.
2. И.А. Каримов Истиқлол ва маънавият. -Т.:, 1994.
3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. -Т.:, 2000.
4. Э.Умаров. Эстетика асослари. -Т.:, 2003.
5. Гулыга А. Принципы эстетики. -М.:, 1987
6. Эстетика. Словарь. -М.:, 1989.

### **2-машғулот. Қадимги дунё эстетикаси**

#### **Режа**

1. Кўхна Шарқ қадимги дунё нафосат илмининг бешиги сифатида.
2. «Авесто» ва ундаги эстетик ғоялар.
3. Қадимги Ҳинди-Хитой минтақасидаги эстетика ва санъат тараққиёти.
4. Қадимги дунёнинг мумтоз эстетикаси.

#### **Адабиётлар**

1. Авесто. 2001.
2. Аристотель. Поэтика. -Т.:, 1980.
3. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. -Т.:, 2000.
4. Ҳомидов Ҳ. «Авесто» файзлари.
5. История эстетической мысли. В 6 томах, т-1. -М.:, 1985.
6. Культура Древнего Египта. -М.:, 1976.
7. Крамер С. История начинается в Шумере. -М.:, 1989.
8. Поэзия и проза Древнего Востока. -М.:, 1973.
9. Эстетика. Словарь. -М.:, 1989.

### **3-машғулот. Ўрта асрлар мутафаккирларининг эстетик таълимотлари**

#### **Режа**

1. Умумжаҳоний динлар ва уларнинг санъат билан ўзаро ҳамкорлиги.
2. Ўрта асрлар будда Шарқи эстетик тафаккури.
3. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи мутафаккирларининг эстетик қарашлари.
4. Ўрта асрлар Оврўпа эстетикаси.

#### **Адабиётлар**

1. Ибн Сино. Саломон ва Ибсол. -Т.:, 1980.

2. Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис//Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 20 жилдлик, 13-жилд. -Т.: «Фан», 1997.
3. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб //Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд, -Т.: «Фан», 1997.
4. Форобий. Фозил шаҳар одамлари. -Т.:, 1993.
5. Умар Хайём. Наврўзнома. -Т.:, 1990.
6. А.Шер. Диний-бадий асарнинг эстетик моҳияти. «Гулистон» журнали, 2001 йил, 5-сон.
7. А.Шер. Ибрат кўзи. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 7-8, 9-10 – сонлар.
8. Шер А. Тасаввуф, аззолий ва гўзаллик фалсафаси. «Соғлом авлод учун» журнали, 2002 йил, 2-сон.
9. Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. -М.:, 1980.
10. История эстетической мысли. В 6 томах, т-1. -М.:, 1985.
- 11.Сочинения итальянских гуманистов эпохи возрождения (XV век). -М.:, 1985.
- 12.Эстетика. Словар. -М.:, 1989.
- 13.Ibn Haldun. Tasavvufun mahiyeti. Instambul, 1981.
- 14.Watt Montgomery W. The influence of islam on medieval Europe. –Edinbyrg: 1972.

#### **4 – машғулот. Янги давр эстетикасидаги асосий оқимлар ва йўналишлар**

##### **Режа**

1. Оврўпа марифатпарварларининг эстетик қарашлари.
2. Олмон мумтоз эстетикаси.
3. Оврўпа эстетикасидаги нораціонал йўналишлар.
4. Энг янги даврнинг эстетик таълимотлари.

##### **Адабиётлар**

1. Сартр Ж.-П. Экзистенциализм тўғрисида. «Жаҳон адабиёти» журнали, 1997, 5-сон.
2. Шер А. Шарқ фалсафаси ва экзистенциячилик. «Соғлом авлод учун» журнали, 1999, 1-сон.
3. Бёрк Э. Филозофское исследование о происхождение наших идей о возвышенном и прекрасном. -М.:, «Искусство», 1979.
4. Гадамер Г. Актуальность прекрасного. -М.:, «Искусство», 1979.
5. Гегель Г. Эстетика в 4-томах. -М.:, 1968-1973.
6. Кант И. Критика способности суждения. -М.:, 1992.
7. Ницше Ф. Искусство и художник. //Ницше Ф. Сочинения в 2-х томах. Т-1, -М.:, 1990.
8. Соловьёв В. Красота в природе. // Соловьёв В. Сочинения в 2-х томах. т-2, -М.:, 1990.
9. Шеллинг Й. Философия искусства. -М.:, 1966.
10. Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании человека. // Ф. Шиллер. Сочинение в 7-томах. Т-6. -М.:, 1957.

11. Шопенгауэр. А. Основные идеи эстетики. //Шопенгауэр А. Избранные произведения. -М.:, 1992.
12. Фрейд З. Будущее одной иллюзии. //Сумерки богов -М.:, 1990.
13. Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному. -М.:, 1997.
14. Юнг К. Об отношении аналитической психологии к поэзии. //Юнг К. Сознание и бессознательное. С-Пб. -М.:, 1997.
15. Hassan I. The Postmodern Turn. Essays in Postmodern Theory and Culture. Ohio State University Press, 1987.
16. Gilson E. Introduction aux arts du beau. –Paris: 1963.
17. Heidegger M. Die Kunst und der Raum. Sankt Gallen: Erker, 1969.
18. Huizinga J. Das Problem der Renaissance. Renaissance und Realismus. Darmstadt, 1971.

### **5-машғулот. Туркистон маърифатчи-жадидларнинг эстетик қарашлари**

#### **Режа**

1. Жадидчилик ҳаракати ва унинг эстетик асослари.
2. Фурқат ва Анбар отин илғари сурган эстетик ғоялар.
3. Авлоний, Фитрат ва Чўлпоннинг эстетик қарашлари.
4. Жадид театр эстетикаси.

#### **Адабиётлар**

1. Авлоний А. Танланган асарлар. 2 жилдлик. -Т.:, 1998.
2. Анбар отин. Қаролар фалсафаси //Анбар отин. Шеърлар рисоласи. Ризаев Ш. Жадид драмаси. -Т.:, 1997.
3. Фитрат. Адабиёт қоидалари. -Т.:, 1995.
4. Фурқат. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд. -Т.:, 1958.
5. Чўлпон. Адабиёт надир. Т.:, 1994.
5. Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т.:, 2003.

### **6-машғулот. Эстетик онг ва эстетик фаолият**

#### **Режа**

1. Эстетик онг ва унинг тузилмаси.
2. Эстетик фаолият меҳнатнинг ўзига хос тури сифатида.
3. Эстетик фаолият турлари.

#### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.:, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.:, 1998.
3. Умаров Э. Эстетика асослари. -Т.:, 2003.
4. Безмоздин Л. В мире дизайна. -Т.:, 1990.
5. Боров Ю. Эстетика. -М.:, 1989.
6. Земпер Г. Практическая эстетика. -М.:, 1970.
7. Казаринова В. Красота, вкус, экономика. -М.:, 1985.
8. Моррис У. Искусства и жизнь. -М.:, 1973.

### **7-машғулот. Эстетиканинг асосий тушунчалари**

### **Режа**

1. Эстетик мезоний тушунчалар – категорияларнинг ўрганишнинг аҳамияти.

2. Гўзаллик ва хунуклик тушунчалари

3. Улуғворлик ва тубанлик тушунчалари.

4. Фожиавийлик ва кулгилилиқ тушунчалари.

5. Асосий эстетик тушунчаларнинг ўзаро алоқалари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. -Т.:, 1996.

2. Умаров Э. Эстетика. -Т.:, 1995.

3. Бёрк Э. Философское исследование о происхождении наших идей о возвышенном и прекрасном. -М.:, 1979.

4. Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. -М.:, 1980.

5. Гегель Г. Эстетика в 4-томах. т-1. -М.:, 1968.

6. Гулыга А. Принципы эстетики. -М.:, 1987.

7. Тагор Р. Прекрасное. // Тагор Р. Сочинения в 12- томах. т-11. -М.:, 1965.

8. Schiller. Philosophische Schriften //Schiller. Samtliche werke in zehn banden. Bd – 8. Berliner ausgabe, 1984.

9. Шестаков В. Эстетические категории. -М.:, 1983.

## **8- машғулот. Санъат эстетикаси**

### **Режа**

1. Санъатнинг вужудга келиши ва унинг эстетик моҳияти.

2. Санъат турлари.

3. Санъат турларининг ўзаро алоқадорлиги.

4. Бадиий ижод жараёни ва санъат асарини эстетик идрок этиш.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.:, 1994.

2. Умаров Э. Эстетика асослари. -Т.:, 2003.

3. Отаев Р. Турмуш, ҳуқ-атвор, меҳнат эстетикаси. -Т.:, 1987.

4. Эстетик тарбия асослари -Т.:, 1988.

5. Қодиров М. Ўзбек халқ санъати. -Т.:, 1981.

6. Боров Ю. Эстетика. -М.:, 1989.

7. Гегель Г. Эстетика в 4-томах. т-3. -М.:, 1972.

8. Гулўга А. Принципы эстетики. -М.:, 1987.

9. Эстетика. Словарь. -М.:, 1989.

## **IV. Бўлимлар бўйича билимни назорат қилиш турлари**

1. Жорий назорат(семинар машғулотлари юзасидан, ҳар бир бўлим бўйича, оғзаки тарзда) – 7 марта.

2. Оралиқ назорати (биринчи ва иккинчи бўлимнинг маърузалари бўйича, ёзма тарзда) – 2 марта.

3. Якуний назорат (тўрттала бўлимнинг маърузалари юзасидан ёзма равишда) - 1 марта.

## **V. Ахборот-услубий таъминот**

### **V.1. Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.:, 2003.
2. И.А.Каримов. Истиклол ва маънавият. -Т.:, 1994.
3. И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. -Т.:, 1996.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.:, 1998.
5. И.А.Каримов. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. «Фидокор» газ., 2000 йил, 8 июнь.
6. Э.Умаров. Эстетика асослари. -Т.:, 2003.
7. Гулыга А. Принципы эстетики. -М.:, 1987.
8. Овсянников М. История эстетической мысли. -М.:, 1984.
9. Эстетика. Словарь. -М.:, 1989.

### **V. 2. Қўшимча адабиётлар**

1. Анбар Отин. Қаролар фалсафаси. //Анбар Отин. Шеърлар, рисола. -Т.:, 1970.
2. Аристотель. Поэтика. -Т.:, 1980.
3. Атоуллоҳ Ҳусайнӣ. Бадойиъ ус-санойиъ. -Т.:, “Ф.Фулом”, 1981.
4. Давлатшоҳ Самарқандий. Шоирлар бўстони. -Т.:, “Ф.Фулом”, 1981.
5. Ибн Сино. Саломон ва Исбол. -Т.:. “Ф.Фулом”, 1980.
6. Навоий. Мажолис ун-нафоис.//Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 13 -жилд. -Т.: «Фан» 1998.
7. Навоий. Маҳбуб ул-кулуб. //Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик, 14-жилд. -Т.:, «Фан» 1998.
8. Фитрат. Адабиёт қоидалари. -Т.:, «Ўқитувчи», 1995.
9. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Т.:, А.Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1990.
- 10.Хайём. Наврўзнома. -Т.:, «Меҳнат», 1990.
- 11.Чўлпон. Адабиёт надири. -Т.:, «Чўлпон», 1994.
- 12.Шер А. Диний-бадий асарнинг эстетик моҳияти. «Гулистон» журнали, 2001 йил, 5-сон.
- 13.Шер А. Ибрат кўзи. «Соғлом авлод учун» журнали, 1996 йил, 7-10 –сонлар.
- 14.Шер А. Тасаввуф, Ғазолий ва ғўзаллик фалсафаси. «Соғлом авлод учун» журнали, 2002 йил, 2-сон.
- 15.Шер А. Шарқ фалсафаси ва экзистенциячилик. «Соғлом авлод учун» журнали, 1999, 1-сон.
- 16.Бахтин М. Эстетика словенского творчества. -Т.:, «Искусство», 1979.
- 17.Безмоздин Л. В мире дизайна. -Т.:, 1990.
- 18.Борев Ю. Эстетика. -М.:, Политиздат, 1988.
- 19.Вүготский Л. Психология искусства. -М.:, «Искусство», 1965.
- 20.Бёрк Э. Философское исследование о происхождение наших идей о возвышенном и прекрасном. -М.:, «Искусство», 1979.
- 21.Гадамер Г. Актуальность прекрасного. -М.:, «Искусство», 1991.
- 22.Газали Абу Хамид. Воскрешение наук о вере. -М.:, «Наука», 1980.
- 23.Гегель Г. Эстетика в 4-томах. -М.:, «Искусство», 1968-1973.
- 24.Земпер Г. Практическая эстетика. В 4-томах. -М.:, «Искусство», 1970.

- 25.Лосев А. Эстетика возрождения. -М.: «Мысль», 1964.
- 26.Казаринова В. Красота, вкус, экономка. А., «Экономика», 1985.
- 27.Камю А., Бунтующий человек. -М.: Политиздат, 1990.
- 28.Хоум Г. Основание критики. -М.: «Искусство», 1977.
- 29.Кант И. Критика способности суждения. //Кант И. Сочинения в 3-томах. Т. 3. -М.: «Мысль», 1964.
- 30.Кант И. Наблюдения над чувством прекрасного и возвышенного. // Кант И. Сочинения в 6-томах. Т-2. -М.: «Мысль», 1964.
- 31.Моррис У. Искусство и жизнь. -М.: «Искусство», 1973.
- 32.Ницше Ф. Искусство и художник. // Ницше Ф. Сочинения в 2-х томах. Т. 1, - М.:, 1990.
- 33.Ортега-и-Гассет Х. Дегуманизация искусства. -М.:, 1991.
- 34.Самосознание европейской культуры XX века. -М.:, Полтиздат, 1991.
- 35.Соловьёв В. Красота в природе. // Соловьёв В. Сочинения в 2-томах. Т. 2. - М.:, «Мысль», 1990.
- 36.Тагор Р. Прекрасное. // Тагор Р. Сочинения в 12-томах. Т-11. -М.:, 1965.
- 37.Фрейд З. Будущее одной иллюзии. //Сумерки богов. -М.:, Политездат, 1990.
- 38.Фрейд З. Остроумие и его отношение к бессознательному. С-Пб. -М.:, «Университетская книга», 1997.
- 39.Шеллинг Й. Философия искусства. -М.:, «Мысль», 1966.
- 40.Шестаков В. Эстетические категории. -М.:, «Искусство», 1983.
- 41.Шиллер Ф. Письма об эстетическом воспитании человека. // Ф. Шиллер. Сочинение в 7-томах. Т-6. -М.:, ГИХЛ, 1957.
42. А.Шопенгауэр. Основные идеи эстетики. //А.Шопенгауэр. Избранные произведения. -М.:, «Просвещение», 1992.
- 43.Шефстбери Э. Эстетические опыты. -М.:, «Искусство», 1975.
- 44.Юнг К. Об отношении аналитической психологии к поэзии. //Юнг К. Сознание и бессознательное. С-Пб. -М.:, 1997.
- 45.Hassan I. The Postmodern Turn. Esseys in Postmodern Theori and Culture. Ohio State University Press, 1987.
- 46.Gilson E. Introduction aux arts du beau. –Paris: 1963.
- 47.Heidegger M. Die Kunst und der Raum. Sankt Gallen: -Erker: 1969.
- 48.Huizinga J. Das Problem der Renaissance. Renaissance und Realismus. Darmstadt, 1971.
- 59.Gadamer H. Lob der Theorie. Frankfurt am Main, 1984.
- 50.Schiller. Philosophische Schriften //Schiller. Samtliche werke in zehn banden. Bd – 8. Berliner ausgabe, 1984.